# ДОИМО ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

**Шу йил 29 июнда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарлари, Тошкент вилояти ва шаҳар касаба уюшмалари вакиллари билан учрашган эди. Орадан кўп вақт ўтмай касаба уюшмалари федерацияси кенгашида учрашув якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мазкур учрашув ва йиғилишдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиб, бозор иқтисодиёти сари қадам ташланаётган айни кунларда аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган долзарб даврда касаба уюшмаларининг келгуси иш фаолиятини белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг V пленуми чақирилди.**

**Унда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Н. Назаржонов «Республикада ислоҳотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш учун алоқа ходимлари касаба уюшмаси фаолиятини белгилаб олиш тўғрисида» маъруза қилди.**

Кейинги пайтда айрим корхоналарда меҳнат шароитини назорат қилмаслик, ходимларнинг маданий-маиший дам олишига эътибор бермаслик, алоқачиларни махсус кийим-кечак, оёқ кийими, зарур асбоб-ускуналар билан таъминламаслик ҳолатлари учраб турибди. Ишлаб чиқариш, технологик, меҳнат интизомларига риоя қилмаслик оқибатида бахтсиз ҳодисалар ҳамон рўй бериб турибди. Масалан, жорий йилнинг кейинги уч ойида учта бахтсиз ҳодиса қайд қилинди. Айрим почтачилар нафақа пулларини эгаларига етказиб беришда масъулиятсизлик қилишмоқда. Ҳатто баъзи алоқа бўлимларида қарияларнинг вафотидан фойдаланиб, нафақа пулларини ўзлаштириш ҳоллари учрамоқда.

Алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Низомида касаба уюшма аъзоси мажбурияти тўғрисида: **«Меҳнат ва жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларни, меҳнат муҳофазаси талабини бажариши, ўз иш жойида унумли ва ижодий меҳнат қилиши, ўз малакасини ошириши, меҳнат шон-шуҳрати ва шавкатини эъзозлаши, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириши, ўз саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим»**, деб ёзиб қўйилган. Аммо бу қоидаларга кўпинча риоя қилинмайди.

— Шунинг учун ҳам,— деди нотиқ,— касаба уюшмалари фаолларига, корхона раҳбарларига интизомни янада мустаҳкамлаш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз зарурлигини айтмоқчиман. Алоқа вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисида» Низом ишлаб чиқишни таклиф қилмоқчимиз.

Касаба уюшмалари яқин давргача ўзларига тааллуқли бўлмаган вазифаларни, хўжалик миқёсидаги ишларни бажариб келишарди. Энди бундай камчиликларга чек қўйиб, фаоллар ўртасида тарғибот ишлари олиб бориб, республика Президенти билан бўлган учрашувда айтилган вазифаларни оғишмай бажариш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқмоқ зарур.

Кўрилган масалани муҳокама этишда сўзга чиққанлар аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам уюштиришда касаба уюшмалари корхона раҳбарлари билан биргаликда иш тутиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Пленумда Алоқа вазирининг ўринбосари Р. Ғ. Валиев сўз олиб, Вазирлик касаба уюшма ташкилотлари билан доимо ҳамжиҳатликда ишлашга тайёр эканлигини билдирган ҳолда, барча йўл қўйилган камчиликлар тезда бартараф этилиши лозимлигини таъкидлади.

Пленум қатнашчилари «Республикада олиб борилаётган ислоҳотлар шароитида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарор ва мурожаатнома қабул қилишди.

### СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Т. Ю. РАҲМАТОВ,**
**Самарқанд вилояти алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси:**

— Пленумнинг ўтказилиши биз учун айни муддао бўлди. Чунки касаба уюшмаси ҳаётида бир қатор муаммолар тўпланиб қолган эди. Шу пайтга қадар касаба уюшмалари кўпинча ўзларига тааллуқли бўлмаган ишлар билан шуғулланишарди. Эндиликда бундай ноаниқликларга чек қўйилади. Энди алоқа ходимларини ўтиш даври қийинчиликларидан муҳофаза қилиб, кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, уларнинг саломатлигига эътибор беришимиз керак. Шунингдек, касаба уюшмалари ташкилотлари боқиманда ҳам бўлиб қолмаслиги лозим.

**Р. Я. САБУРОВА,**
**Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси:**

— Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувида билдирган фикрларига тўла қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам касаба уюшмаси вакили бўла туриб, ночор аҳволда яшаётган оилага ёрдам беролмасак бундан ёмони йўқ. Иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ходимларни мажбур қилиб бўлса-да соғлиқларини суғурта қилдиришга эришиш лозим. Шу ўринда бўлиб ўтган пленум бундан кейин касаба уюшмамиз фаолиятини белгилаб олишда муҳим роль ўйнайди.

**Р. ПАРДАЕВ,**
**Зомин тумани почта ва электр алоқа тармоғининг бош муҳандиси:**

— Қўлимиздан келганча алоқачиларга ёрдам беряпмиз. Касаба уюшмамиз вилоятнинг Зомин тумани ҳудудида почтачилар транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлишларида кўмаклашди. Фахрий алоқачилар эса телефондан имтиёзли фойдаланишлари мумкин. Ишимизда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. Камчиликларни тугатиш учун эса лоқайд бўлмасдан, кўпроқ тер тўкишимиз керак.

**М. ҲОШИМОВ,**
**Фарғона вилояти алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси:**

— 5 минг алоқачи вилоятимиз касаба уюшмасига бирлашган. Касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга бутун диққат-эътибор қаратилаётир. Яқинда алоқачиларнинг дам олиши учун 100 ўринли санаторий-профилакторий, 120 ўринли болалар оромгоҳи қуриб битказилди. Имкониятга қараб алоқа ходимларимизнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш учун барча қулайликларни яратиб беришга интиляпмиз. Ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги, осойишталиги йўлида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Халқ дарди бизнинг ҳам дардимиздир.

**А. АБДУРАҲМОНОВ**



**Тошкент телефон-телеграф станциясида Маҳмуда Соатова 17 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда.**

Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ

# МАЪНАВИЯТ ДАРЗ КЕТМАСИН...

**«Ўзбекистон почтаси» концернида журналистлар билан вақтли матбуот тарқатишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мухбирларнинг саволларига концерн раисининг ўринбосари С. С. Акбаров жавоб берди.**

— Биз айни пайтда долзарб ва жиддий муаммо ҳисобланган матбуот тарқатиш масаласини ижобий ҳал этиш борасида бош қотирмоқдамиз. Радио, телевидение материалларини тингловчиларга етказиб бериш унча қийин эмас. Газета ва журналларни муштарий ўз вақтида олиши эса ғоятда оғир шароитда амалга ошади,— деди у.— Бу айниқса ҳозирги иқтисодий мураккаб паллада мушкул муаммо бўлиб қолаётир. Автомашина, ёқилғи ва электр қуввати нархларининг ҳаддан ошиб кетиши сабабли кундан-кунга янгидан-янги қийинчиликлар юзага келмоқда.

Республикамизда 900 минг нусха газета чакана савдо йўли билан тарқатилади. Улардан ўртача юздан бир фоизи сотилмай қолади. Савдода ўтмаган нашрлар харажати ҳар икки томон ҳисобидан қопланади.

Жорий йилги обунани тарқатишда алоқа корхоналари муайян қийинчиликларга дуч келишди. Харажатларни қоплай олмаган баъзи нашрларни чоп этиш тўхтатилди. Буларга «Новости экрана», «Экран янгиликлари» газеталари мисол бўлади. «Ширинтой» журнали учун 1993 йилга тўлиқ обуна қабул қилинганди. Лекин бу йил унинг атиги бир сони босмадан чиқди, холос. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Журналнинг ёпилиши алоқачилар учун ноқулайлик туғдирди.

Нарх-навонинг узлуксиз ўзгариб тургани сабаб «Сирли олам», «Қалб кўзи», «Оила ва жамият», «Ишонч» нашрларига йилнинг иккинчи ярми учун қайта обуна ўтказилди. Бу эса алоқа корхоналарининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Чунки обуначиларга билдириш варақаларини қайтадан юборишга мажбур бўлинди.

Нашрларни тарқатиш бўйича кўрсатилган хизматлардан тушган даромадга қўшимча қиймат солиғи обуна қабул қилишда кўзда тутилмаган эди. Аммо 1993 йилнинг беш ойида 19 миллион сўмдан ортиқ ана шу солиқ тўланди. Йил охиригача қўшимча қиймат солиғи 46 миллион сўмга етиши мумкин. Бу муаммо 1994 йил обунасида ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Нарх-наво обунани ўз вақтида ўтказишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу туфайли 1994 йил учун газета ва журналларга ёзилиш икки босқичда — биринчи ва иккинчи ярим йиллик ҳисобида олиб борилади. Ўзбекистондаги нашрларга чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади. Лекин хорижий мамлакатлар билан ҳисоб-китоблар вақтинча тўхтатилганлиги сабабли МДҲ нашрлари Ўзбекистон ҳудудига фақат чакана савдо орқали тарқатилади. Россия Федерациясининг фақат «Шарқ» матбаа-нашриёт концернида чоп этиладиган нашрларигагина обуна қабул қилинади.

**Маънавият — бебаҳо бойлик. Вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар маънавиятга зиён келтирмаслиги керак. Таҳририятлар ва жумҳурият матбуот тарқатиш корхонаси ўзаро ҳамжиҳатликда, қўлни қўлга бериб ишласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, журналистлар билан учрашувдан кўзда тутилган мақсад ҳам шу эди.**

**Ю. РАСУЛ**

# КАР ВА СОҚОВЛАР УЧУН

**Замонавий фан ва техника антиқа алоқа воситаларини яратишга қодир. Жумладан телефонда сўзлашиш борасида ҳар куни бир янгилик жорий қилинмоқда. Хўш, агар сўзлашувчи кар, бунинг устига соқов бўлса, унда нима қилади? Қандай сим қоқиши мумкин?**

**Бунинг ҳам иложи топилди. Англиядаги «Бритиш телеком» компаниясида яратилган антиқа телефон аппарати кар ва соқовларнинг мушкулини осон қилади. Сим орқали сўзлашгич принтер ва дисплей билан жиҳозланган. Агар кимдир қўнғироқ қилса, овоз билан бирга дисплейда белги пайдо бўлади. Агар эшитмайдиган шахс гўшакни кўтарса, шу заҳоти сим ортидаги шахснинг сўзларини дисплей қайд этади. Ўз навбатида жавоб қайтарувчи телефон аппаратидаги клавишларни босиб, айтмоқчи бўлган сўзларини бирма-бир ёзади. Ҳаммаси тез ва соз бажарилади.**

**Ҳозирги янги телефон аппарати халқаро «Хитроу» аэропортида, «Кингс-кросс» темир йўл вокзалида ва Лондоннинг тўрт туманида синовдан ўтмоқда.**

### ҚАДРИНИ БИЛГАН УСТОЗ

Таниқли болалар шоири Анвар Обиджон янги чиққан китобига шундай дастхат ёзади: «Болаларнинг биринчи номерли шоири Ҳамза Имомбердиевга ижодий ютуқлар тилаб...»

Шогирд бундай дастхатдан ҳам ғурурланиб, ҳам ҳайратланиб, ботиниб-ботинмай аста сўрайди:

— Устоз, мен биринчи номерли шоир бўлсам, унда Сиз нечанчисиз?

Устоз пинак бузмай, дарҳол жавоб қилади:

— Буюкларнинг номери бўлмайди!

### МАХФИЙ ГАП

Мирпўлат Мирзо Дўрмонда ижод қилаётган кунларнинг бирида зерикиб, гурунглашиш учун Исоқ Ўктамовнинг хонасига чиқади. Шоир Мирзо Кенжабек билан нимандидир қизғин муҳокама қилаётган отахон ноқулай бўлсада, ташрифнинг бемаврид эканлигини айтади:

— Мирпўлат, кечирасиз, Мирзо билан махфийроқ гапимиз бор эди...

Шоир кутилмаган эътироздан мутлақо ўзини йўқотмайди:

— Жуда яхши-да. Шу ерда гаплашасизларми ёки ташқарига чиқасизларми?

Беихтиёр ҳамма кулиб юборади. Кўнгилларда заррача ғубор қолмайди.

# Афандининг хуржуни



### КУРМАГАННИНГ КУРГАНИ

Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол бир шоирнинг амалдор бўлганини эшитиб, тегажоқлик қилгиси келади. Ҳукумат телефони орқали унга қўнғироқ қилиб, инглиз тилида гапира бошлайди. Шоири тушмагур ҳовлиқиб, нуқул «Да! Да!» дейишдан нарига ўтмайди.

Ҳазилнинг қизиғи кейинроқ чиқади. Эртаси куни шоирнинг ўзи Жамол акага телефон қилиб, мақтанади:

— Кеча Америка президенти Клинтоннинг шахсан ўзлари менга телефон қилиб, табриклади!

## ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

### МАСЛАҲАТ

Ёшига нисбатан анча тетик, бардам кўринадиган Исоқ Ўктамов парҳезга қатъий амал қилар, мутлақо чой ичмас, гўшт емас, ҳафтада бир-икки кун оч юрар, айрим одатларини бошқа ёзувчиларга (жумладан, каминага) ҳам «юқтирган» эди. Бир куни гурунгда кимдир сўраб қолди.

— Исоқ ака, наҳотки мол гўштини ҳам еб бўлмаса? Дўхтирлар мол гўшти қўйникига нисбатан фойдалироқ дейишади-ку!

— Мол гўштини еса бўлади,— деди Исоқ ака салмоқ билан,— фақат уни қийма қилиб ёки яхшилаб қайнатиб истеъмол қилиш керак.

Шунда Мирпўлат қўлини маънодор ҳаволатиб, ўзича масалага аниқлик киритди.

— Дарвоқе, унутманг: молнинг чап оёғидан кесиб олинган гўшт бўлиши керак!

**Ш. ОТАБЕК**

# ШИНАВАНДА СИГИР

*• Воқеий ҳажвия •*

Ишдан кечроқ қайтсам, хотиним доимо кўчага чиқиб, йўлимга кўз тикиб турарди.

— Тезроқ келсангизчи, Ғайрат ака, сигирни соға олмаяпман, ашулантизни бошланг.

Ажабо, сигир соғишга ашуланинг нима дахли бор деб ҳайрон бўлгандирсиз. Э, сиз сўраманг, мен айтмай, сигир соғишга ашуламнинг дахли жуда катта эди ўша пайтда. Нима демоқчи эканлигимни ҳалиям тушунмадингиз, аниқ билиб турибман. Келинг, яхшиси бўлиб ўтган ажойиб воқеани батафсил айтиб бера қолай.

...Анча йиллардан бери оилам сигирдан ёлчимайди денг. Унисини сотиб оламан— сут бермайди, буниcини оламан—қисир чиқади, яна бирини оламан—тепадиган қилиқ чиқаради. Бу ҳолат маликаи муҳтарамамизнинг жонига тегдими: «Ҳаммасини олиб боринг, сотиб келинг!»— деб фармон бердилар. Қатор қилиб ҳаммасини пулладим.

Бир куни сигирдан ёлчимаётганимизни эшитган акам бир бузоқ етаклаб келиб қолдилар.

— Ол, ука, сизларга шу бузоқни шундай бердим. Зоти яхши, асил. Яхшилаб парвариш қилинглар, бир сигир бўлсинки...

Ҳуллас, акажонимга офаринлар айтиб, бузоқни меҳр билан боқа бошладик. Вақти келгач, бузоқ сигир бўлиб, илк бор болалади. Ҳаммамизнинг бошимиз осмонга етди. Айниқса биттагина бўлса ҳам ўнтага татийдиган шўх қизчамнинг суюнганини айтмайсизми.

Хотиним қўлига сатилини олиб, илк бор сигирни соғиш учун оғилхонага кириб кетди. Бир пайт оғилдан сатилнинг жаранглаши-ю, хотинимнинг дод-войи эшитилди. Оёғимни қўлимга олиб оғилга югурдим.

— Қуриб кетсин, қуриб кетсин, бу ҳам тепадиган чиқди, — деди хотиним кўзига ёш олиб.

— Ўзинг ношудсан, сатилни бу ёққа ол,— дедим хотинбойга зарда билан ва сатилни олиб, астагина ёш сигиргинамнинг елинини ушладим. Шу пайт сигир зарб билан сатилни тепиб юборди. Фиғонимиз осмонга чиқди. Шартта бориб, қўшним, молни яхши биладиган Амакжонни чақириб келдим.

— Давай, тўртала оёғини ҳам боғлаймиз,— деди қўшним.— Қани, қимирлаб кўрсин-чи?!

Сигирнинг тўрт оёғини қисиб боғлаб, итариб юборган эдик, тўп этиб ерга йиқилди. Қани энди соғиб бўлса. Оёғини жон ҳолатда қимирлатиб, бўкира бошлади.

— Олиб бориб сот,— деди Амакжон томдан тараша тушгандай,— бўлмайди бу сигиринг ҳам.

Ҳафсаламиз пир бўлди. Қўшним чиқиб кетгач, калламга бир фикр келиб қолди. Сигирга қўшиқ айтиб бермоқчи бўлдим. Яхши қўшиқ тошни ҳам эритади-да!

Охурнинг бир четига ўтириб олиб, хотинимга секин шивирладим.

— Мен қўшиқ айтаман, сен секин соғиб кўр-чи.— Сигирнинг бошини, қулоғини яхшилаб силадимда, ўзим яхши кўрган ашуламни бошладим:

**Самарқандга борсам**
**мен агар,**
**Улуғбекни кўрмай**
**қайтмайман.**
**У қон йиғлаб турар**
**ҳар саҳар.**
**Мен дардимни кимга**
**айтаман...**

Хотиним сигирни соға бошлади. Мен завқ билан ашула айтардим. Қарангки, сигир тепмади...

Шу-шу эрталаб, кечқурун мен сигирнинг қулоғига ашула айтиб турадиган, янгангиз сигирни соғиб оладиган бўлди. Ишдан кечроқ борсам, ҳалиги юқорида айтганимдай, янгангиз кўчага чиқиб, мени кутиб турарди.

Бир куни сигирга бошқа ашулани айтдим:

**Мен кетганда**
**анча ёш эдинг,**
**Боғбон қизи,**
**гуллар эркаси.**
**Мана бугун**
**ойдек тўлибсан,**
**Юрагимнинг сен**
**арзандаси.**
**Соғинганим,**
**бунча уялдинг,**
**Юзинг бўлди худди**
**нақш олма,**
**Узоқлардан келдим**
**сени деб,**
**Кел гўзалим, энди уялма.**

Шу пайт сигир яна сатилни тепиб юборди. Хотиним эса жон ҳолатда бақирди:

— Самарқандни айтинг, Самарқандни!.

Яна инжиқ сигирга олдинги ашуламни айтиб, тинчитдим.

Ойлар, йиллар ўтаверди. Охурга ўтириб олиб, қўшиқ айтиш ҳам ҳиқилдоғимга келди. Баъзан кечаси уйга келмасам, сигир соғиқсиз қолиб кетарди.

Яқинда бор-е дедимда, шинаванда сигирни боласи билан қўшиб сотиб юбордим. Яна сигирсиз қолдик.

Куни кеча аҳволимизни тушунган меҳрибон қўшним Амакжон ўзининг сигирини бизга берди. Ювош, мулойим деб мақтади. Арзонроқ нархда сотиб олдим. Лекин сигир жуда ҳам хунук. Калласи чўзалоқ, кўзи олайиб кетган, бунинг устига кал, шохи йўқ. Шундай бўлса ҳам бўғоз. Эрта-индин болалайди.

Кўнглим хижил. Ишқилиб яхши чиқсинда. Хунук бўлса ҳам тепмаса, ашула айттирмаса бўлгани.

**Абдулҳошим АБДУРАҲМОНОВ**

## БОЛАЛИ УЙДА ҒИЙБАТ ЙЎҚ

Асилбек синф раҳбарига деди:

— Агар мен математикадан «беш» олсам, отам менга минг сўм ваъда қилди.

— Сенинг «беш» олишингга сираям кўзим етмайди.

— Агар ўша пулни иковимиз бўлишиб олсак-чи?

* * *

Анорага туғилган кунида отаси совға келтирди. Қизалоқ совғани очди-ю ҳафсаласи пир бўлди.

— Ҳа, қизим, кубиклар сенга ёқмадими?

— Кубикларни еб бўлмайди-ку!

* * *

— Дада, у ёққа нимада борамиз?

— Пиёда борамиз, ўғлим.

— «Пиё» деган машинадами?

* * *

— Хайрулло, идишдаги мураббони ким ялади?

— Қўшнимизнинг мушуги.

— Унда нега юзингда мураббо юқи турибди?

— Мушукдан ортгани исроф бўлмасин, деб еб қўйдим-да.




Изоҳнинг ҳожати йўқ. Мусаввир Р. ЭГАМБЕРДИЕВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий ҚУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ
Бобохон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билол АМИНОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳаррирнятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 000011.
Буюртма № Г —511.
25910 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди, Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6